

АРХЕОЛОГИЯ, ҚАДИМГИ ДУНЁ ТАРИХИ ВА ЭТНОГРАФИЯ МАСАЛАЛАРИ

(илмий мақолалар тўплами)



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Yorgulov. A

**АРХЕОЛОГИЯ, ҚАДИМГИ ДУНЁ
ТАРИХИ ВА ЭТНОГРАФИЯ
МАСАЛАЛАРИ**
(илмий мақолалар туплами)

Самарқанд – 2008

ТАЛЛИСОРТЕПА – ЎРТА АСРЛАР ШАҲРИ

Қашқадарё воҳаси Ўрта Осиёнинг тарихий вилоятларидан бўлиб, кўп минг йиллик тарихга эга ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Нахшаб – Насаф деб аталган бу ўлкага тарихчи- археологлар катта қизиқиш билан қарайди. Бу ерда асосан иккинчи жаҳон урушидан кейин бошланган археологик тадқиқотлар хануз давом этмокда. Ўтмишнинг очилмаган янгидан-янги сир-асрорларини ўрганишга ҳаракат қилинмокда. Қашқадарё воҳаси тарихини тадқиқ қилишда М.Е.Массон, Б.Д.Кочнев, С.К.Кабанов, Э.Ртвеладзе, Р.Х.Сулаймонов, А.Сагдуллаев, М.Х.Исомиддинов каби олимларнинг қилган ишлари таҳсинга сазовордир. Шунинг қарамасдан бу ерда ўз тадқиқотчиларини кутиб ётган ўнлаб ёдгорликларни учратиш мумкин.

Ўтган асрнинг 70 ва 80-йилларининг бошларида Қарши воҳасининг ўзлаштирилиши муносабати билан кўпчилик ёдгорликларда археологик изланишлар ўтказилди. Шундай шаҳар харобаларидан ҳозирги кунга қадар ўрганилган ёдгорликларнинг кўпчилиги шаҳар, қишлоқ, кўрғон харобалари бўлиб, воҳанин қадимги ва ўрта асрларга оид тарихи ҳақида ҳикоя қилади. Ёдгорликларнинг тарихини тиклашда олимлар анчагина қийинчиликлар ва муаммоларга дуч келишди. Булардан бири ўрганилаётган ёдгорликлар ҳақида ёзма манбаларнинг камлиги, баъзида эса умуман йўқлиги бўлса, яна бири замонлар ўтиши билан жой номларининг ўзгариб туришидир. Маъноси бутунлай унутилиб кетган ва узок ўтмиш тарихига эга бўлган, бугун кунда мозийдан қолган шундай шаҳар харобаларидан бири – Таллисортепа ҳисобланади.

Қарши шаҳрининг ғарб томонида жойлашган Таллисортепа шаҳар харобаси ўрта асрларга тегишлидир. Қарши магистрал канали қурилиши муносабати билан 1971 йил ЎзФА археология институти Қашқадарё археологик гуруҳини ташкил этди, бу гуруҳ қурилиш кетаётган ҳудудда тадқиқот ишларини олиб борди. Таллисортепа шаҳар харобасида биринчи бўлиб Т.Агзамходжаев қазииш ишларини олиб борган (Кочнев, Рузанов 1973, 59-бет). Шаҳар харобасидан турли тураржой ва маъмурий

оино қолдиқлари топилган бўлиб, уларнинг бирида ёнгиндан парак берувчи кул қатлами сақланиб қолган. Ёнгиннинг қачон бўлиб ўтганлиги маълум эмас ва аниқ бир сана ҳақида гапириш қийин. Шунга қарамайдан, шаҳар харобасидан топилган моддий ашёвий буюмлар ёнгининг тахминий даври ҳақида фикр юритишга имкон беради. Ушбу ёнгин тахминан VII асрда содир этилган бўлиб, араблар босқини билан боғлиқ деб ҳисобланади (Кочнев, Рузанов, 1973, 59-бет). Ёдгорлик ҳудудидан турли хунармандчилик буюмлари, жумладан, кўнғина сопол буюм парчалари билан бирга ёғоч ўймакорлиги намунасининг топилиши катта аҳамиятга эга. Сақланиб қолган топилмада одам қиёфасининг тасвирланиши эса араб босқинигача бўлган даврда жанубий Суғд амалий санъатининг қай даражада ривожланганидан далолат беради. Таллисортепадан топилган ёғоч ўймакорлиги илк ўрта асрларга тегишли бўлиб, мана шу даврга оид ёғоч ўймакорлиги намунаси Сурхондарё вилояти Ангор туманидаги Жумалоқтепадан ҳам топилган (Шишкин, 1961, с. 48-49). Бу эса ёғоч ўймакорлик санъатининг фақат шаҳарларда эмас, балки қишлоқларда ҳам кенг тарқалганлигидан далолат беради.

Услубий жиҳатдан қаралганда эса, Таллисортепа ёғоч ўймакорлиги Жумалоқсой услубига унчалик ҳам яқин эмас, балки Тожикистон ҳудудидаги Панжикент ҳамда Шаҳристон амалий санъатига яқиндир (Кочнев, Рузанов, 1973, 60-бет). Бу фикрдан шундай хулоса чиқариш мумкинки, жанубий Суғднинг бошқа ҳудудлари билан маданий алоқалари кучлироқ бўлганлиги яққол куринади.

1977 йилда ЎзФА археология институти Таллисортепа шаҳар харобасида қазилар ишларини ўтказиш мақсадида Таллисортепа археологлар гуруҳини ташкил қилди. Гуруҳ б.д. Кочнев раҳбарлигида иш олиб бормоқда. Изланишлар натижасида шаҳар харобаси арк, шаҳристон ва раббатдан иборат эканлиги аниқланди. С.К.Кабановнинг фикрича, шаҳар харобасининг умумий майдони 13 га атрофида (Кабанов, 1977, 64-65-бетлар).

Арк (60х70) шаҳристон марказида жойлашган бўлиб, баландлиги 17 метрни ташкил қилади. Шаҳристон 200х350 майдонни эгаллаган, мудофаа девори билан ўраб олинган. Унинг

учта дарвозаси бўлган. Работ эса мудофаа девори билан ўралмаган бўлиб (20 га), шаҳристондан жануб ва жануб-шарқий томонга чўзилган. Унинг деярли барча ҳудуди бўлиб. Таллисортепа шаҳар харобаси манбаларда қишлоғи номи билан тилга олинади (Кочнев, 1978, 526-бет).

Эрамизнинг биринчи асридан манзилгоҳ ҳудудида дастлабки тураржойларга асос солинган. VI-VII асрларда шаҳар арк ва шаҳристондан иборат бўлиб, мудофаа девори билан ўраб олинган. IX асрга келганда шаҳарнинг работ қисми шаклланади. Кўриб турганимиздек, шаҳарнинг майдони вақт ўтиши билан аста-секин кенгайиб, йириклашиб боради. Буни бир археологик қазишлар натижасида қўлга киритилган сопол буюм парчалари орқали билиб олишимиз мумкин. Б.Д.Кочневнинг фикрича, X-XII асрларда шаҳар работининг майдони 20 га етади, лекин атрофи девор билан ўралмаган. Б.Д.Кочневнинг фикрича, охириги тадқиқотларнинг натижаларига кўра работнинг майдони 50 га кенгайганлиги аниқланган (Лунина, 1984, 24-25-бетлар).

X-XII асрларда работда аҳоли гавжумлашиб, арк ва шаҳристонга қараганда бу ерда аҳоли кўпроқ истиқомат қилган. Унчалик кўп бўлмаган материалларга қараганда мўғул босқинидан кейин фақат работдагина ҳаёт мавжуд бўлган.

Аркда VIII асрга оид бино очиб ўрганилганда, унда муқаддас уй олови сақланадиган саждагоҳ аниқланган. Бундан шу нарса маълум бўладики, маҳаллий аҳоли араблар босқинидан бирмунча кейин ҳам ўз эътиқодларига содиқ қолганлар. Бино ғарбдан шарққа қараб 7,60-3,85 метр ўлчамда қад кўтарган Жанубий, ғарбий ва шимолий деворлар бўйлаб хом гиштдан (48 49x24-25x9) супа қилинган, унинг эни 1;20-2,25 метр жануби супада меҳроб-ўчоқ қурилган. Жанубий-шарқий бурчакда кирин жойи, бинонинг асосий деворларининг 3,4 қисми бурчак устунлари, рельефлар билан безатилган бўлиб, уларнинг қолдиқлари сақланган. Кириш жойининг эни 0,85 метр, лекин саждагоҳ сари қисқариб 0,75 метрни ташкил этади. Бино ганж нақшлари билан қопланган. Унинг парчалари супа ости, бинонинг ер юза қисми ва жанубий супадан топилган. Ғарбий деворда ўсимлик нақшли ганж қолдиқлари сақланган. Саждагоҳдан жануброқда кўп сонли ганж парчалари топилган. Тахминан тўрт хил нақшли ганж тахтачалари билан безатилган.

Бундай буюм ва нақшларнинг топилиши ўз навбатида хунармандчилик соҳасининг юксак даражада ривож топганлигидан далолат беради. Стратиграфик қатламга кўра, у IX асрга оид ҳисобланади (Кочнев, 1978, 526-бет).

Деворнинг бошқа қисмидаги ўсимлик нақшли, ганжлар бироз қадимийроқ. Саждагоҳдан жануб ва шимолда илк ўрта асрларга оид безакли ғишт ва ғишт парчалари топилган. Улар кизил ангоб билан бўялган бўлиб, уларга айлана кетма-кет жойлаштирилган тишсимон кўринишдаги, марказида хочсимон нақш туширилган (Кочнев, 1978, 526-бет).

Қазини ишлари натижасида шахристоннинг ғарбий девори бўйлаб учта VI-VII асрларга оид бино қолдиқлари топилган.

Юқорида айтиб ўтилганидек, шахарнинг қадимий номи ёзма манбаларда учрайдиган Ғўбдин қишлоғи номида сақланиб қолган. Ёзма манбаларда қишлоқ деб кўрсатилса-да, бу қишлоқ Қарши воҳасидаги Касба ва Бездан сингари барча шахар белгиларига эга. Ундан ташқари, бу шахарнинг аҳамияти қай даражада эканлигини Насаф шахрининг бир дарвозаси Ғўбдин номи билан аталганидан ҳам кўриш мумкин (Ўлунина, 1984, 260-бет).

Насаф шахрининг бир дарвозаси Ғўбдин номи билан аталиши шундан гувоҳлик берадики, бу дарвоза карвон йўлида жойлашган муҳим савдо-хунармандчилик марказларидан бирининг номи билан аталган. Ас-Саъмонийнинг (XII аср) кўрсатишича, Ғўбдин қишлоғи Насафдан икки фарсах узоқликда жойлашган (Жамолддинов, 1996, 59-бет). Мўғуллар босқинига қадар Ғўбдин йирик шахар ва бу ердаги рустокнинг маъмурий маркази бўлган. Бу шахар Насафдан Калиф томонга боровчи карвон йўлида жойлашган асосий бекатлардан бири бўлган. Ғўбдин Бешкент шахридан 20 км, Қаршидан 15-16 км ғарбда жойлашган. Бу шахарнинг йирик савдо-хунармандчилик маркази бўлганлигини олимлар томонидан қўлга киритилган илмий хулосаларда ҳам кўришимиз мумкин. М.Х.Исомиддинов, М.Х.Ҳасановлар йирик хунармандчилик маҳаллалари мавжуд бўлган ўрта асрлар шахарлари қаторига Таллисортепани ҳам қўшиб, у ҳам бошқа шахарлар сингари йирик савдо-хунармандчилик маркази даражасига кўтарилганлигини айтиб ўтган (Исомиддинов, Ҳасанов, 2000, 182-бет). Бу ердаги

хунармандлар ўз маҳсулотларини фақатгина маҳалла харидорлар ҳукмига ҳавола этибгина қолмай, балки қўш ҳудудларга ҳам чиқаришган. Хунармандчиликнинг ривожланиши ва шаҳарнинг тўхтовсиз юксалиб боришида Буюк Илак йўлининг аҳамияти бекиёсдир. Чунки шаҳар ўз даврининг савдо йўлига жойлашганлигидадир.

Илк ўрта асрларда Қашқадарё воҳасида мураккаб тўқнаш жараёнлар кечганлиги ва бу ерда антропологик жиҳатдан туркий белгиларга эга бўлган аҳоли кўпайганлигини археологик тадқиқотлар натижасида қўлга киритилган анъёвий манбалар ҳам тасдиқлайди. Ёўбдин арки ҳудудидан VI-VIII асрларга оид нақшланган ёғоч парчаси топилган. Унда машҳур кишилардан бирининг тасвири туширилган бўлиб, турклар қиёфаси белгиларига эга. Балки у Ёўбдинда араблар босқинига қадар ҳукмронлик қилган бўлиши мумкин (Қамолитдинов, 1996, 596-бет).

Шаҳар XI-XII асрларда юксалиши билан бирга, XIII аср бошларидаги мўғуллар босқини натижасида бутун Қашқадарё воҳасидаги шаҳар ва қишлоқларнингари жабр кўрган. Қашқадарё воҳасида жойлашган кўпчилик шаҳарлар шу даврга қелиб-қўл умрларига нукта қўйганлар.

1220 йилда Қашқадарё воҳаси Чингизхон қўшинлари томонидан босиб олиниб, кўпгина шаҳарлар вайрон қилинадди (Бартольд, 1963, 504-бет).

Мўғул босқини воҳадаги бир қатор шаҳар ва қишлоқларнинг тушқунликка юз тутишига олиб келди (Қадимги Кеш-Шаҳрисабт тарихидан лавҳалар, 1998, 38-бет). Таллисорттепа ҳам шу шаҳарлар қаторида вайрон қилинган. Шу билан Таллисорттепада ҳаёт тўхтаган.

Тадқиқотлар натижасида Таллисорттепа шаҳар харобаси тўғрисида қуйидагича хулоса чиқариш мумкин:

1. Эрамизнинг I-III асрларида дастлаб қишлоқ сифатида ташкил топади.
2. VI-VII асрларда шаҳар бўлиб шаклланган.
3. IX-XIII асрларда юксалиб, йирик шаҳар кўринишига эга бўлган.

Шундай қилиб, ўрта асрлар шаҳар харобаси бўлган Таллисорттепа Қашқадарё воҳасидаги муҳим иқтисодий ва сиёсий

ўринга эга бўлган шаҳарлардан бири ҳисобланади. Лекин унинг тарихига оид ўқилмаган саҳифалар ҳали анчагина.

Яркулов А.О.

Таллисортена – город средневековья

Южный Согд – одно из древних исторических областей Средней Азии. Это статья о средневековом городе Таллисортене, который находился Южном Согде. Таллисортена играл важную роль в развитии экономической и культурной жизни средневекового Южного Согда. Этот город существовал с первого века нашей эры до монгольского нашествия.

Yarkulov A.O.

Tallisartepa – citi a middle ages

Southern Sogd- one of ancient historical areas Central Asia. This clause about medieval city Tollisortepe- which was Southern Sogd. Tollisortepe played the important role to development economic and cultural life medieval Southern Sogd. This city was with the first century ours era before the Mongolian invasion.

Адабиётлар:

Лунина С. Б. Города Южного Согда в VII-XII вв. Ташкент: «Фан», 1984.

Исамиддинов М.Х., История древнего и средневекового керамического производство Нахшаба. – Хасанов М.Х. Ташкент: Изд-во народного наследия имени А.Кадыри. 2000.

Кочнев Б.Д. Раскопки Таллисортена в Каршинском Оазисе. АО, 1977, –Москва: «Наука», 1978.

Камолиддинов Ш.С. Историческая география южного Согда и Тахаристана по арабоязычным источникам IX начало XIII в. –Ташкент: «Узбекистан», 1996.

Кабанов С.К. Наҳшб на рубеже древности и средневековья (III-IV вв.). —Ташкент, 1973.

Бартольд В.В. Сочинение. Т. I-IV. Москва-Ленинград, 1963-1966 гг.

Қадимги Кеш — Шаҳрисабз тарихидан лавҳалар. Сагдулла таҳрири остида. —Тошкент: Шарқ, 1998.

Кочнев Б.Д. Раннесредневековое резное дерево из Таллисортепа.

Рузанов В.Д. Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1973, № 4.

Шишкин В.А. Узбекистанская археологическая экспедиция (полевые работы 1956-1959 гг.), ИМКУ, вып. 2, Ташкент, 1961.

Эргашев О.Т.

ШАРҚ МУСИҚА САНЪАТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА БУЮК ИПАК ЙЎЛИНИНГ АҲАМИЯТИ

Буюк Ипак йўли инсоният томонидан яратилган кашфиётларнинг энг муҳимларидан биридир. Бу йўлда нафақат иқтисодий ҳамкорлик, балки йирик маданий айрибошлаш жараёнлари ҳам юз берган. Мусиқа санъатининг ривожланишида ҳам Буюк Ипак йўлининг аҳамияти беқиёсдир. Бизга маълумки, Марказий Осиё, Эрон, Туркия, Хитой мамлакатлари ҳудудида яшовчи халқларнинг мусиқаси бир-бирига яқин, оҳанглари уйкаш, товушлар жамлашида бетақрор шарқона назокат мавқуд. Фикримизни тўлдириш мақсадида баъзи асосларни келтириб ўтамиз.

Археологик тадқиқотлар олиб борилган маконларда нафақат моддий маданият, балки маънавий маданият намуналари ҳам ўрганилади.

Ўрта Осиёнинг антик маданий-тарихий ҳудудлари Сугд, Бактрия, Парфия, Марғиёна, Хоразм эрамининг бошида ўзларининг мусиқа санъати билан ажралиб турган. Марказий

М У Н Д А Р И Ж А

Замарқанднинг ибтидоий давр тарихи саҳифаси (Джўрақулов М.Д., Аванесова Н.А., Холматов Н.Ў.).....	3
Ўзбекистон ҳудудига тош асри ҳақидаги мулоҳазалар (Тошкенбоев Н.Х.).....	33
Техника расщепления в Зирабулаке (Курбонбоев И.М.).....	38
СамДУ археологик гуруҳининг 2006 йилги тадқиқоти натижалари (Ҳолматов Н.Ў.).....	49
Қизилқум минтақасининг археологик жиҳатдан ўрганилиш тарихидан (Абриева Р.В.).....	57
Қоратепи тоғи миссини тош асри археологияси (Жўрақулова Д.М.).....	62
Животные в ритуальной практике некрополя эпохи бронзы Бустон—VI (Аванесова Н.А., Тошпулатова Н.А.).....	75
Жез асри ва унинг Зирафшон ҳавзаси ёдгорликларини мисолида ўрганилиши тарихидан (Жўрақулова Д.М.).....	94
Таллинсортени — урта асрлар шаҳри (Яркулов А.О.).....	120
Шарқ мусулман санъатининг ривожланишида Буюк Ипак йўлининг аҳамияти (Эргашев О.Т.).....	126
К истории изучения костюма народов Средней Азии (Улъянова А.Н.).....	132
Ўзбек ҳақида уй қурилиш билан боғлиқ одатлар ва маросимлар (Ибрагимов О.О.).....	144
Сазагон маданияти ва унинг ўрганилиши тарихидан (Норкулов Ш., Каримов О.).....	152